2. Номзодларга қўйиладиган талаблар:

Лаборатория мудири лавозимини эгаллаш учун танловда:

- фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахс;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Бош илмий ходим лавозимини эгаллаш учун танловда:

- фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган шахс;
- фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) , шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Етакчи илмий ходим лавозимини эгаллаш учун танловда:

- фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва илмий унвонга эга бўлган шахс;
- фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) , шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ,шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ёки илмий унвонга эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Катта илмий ходим лавозимини эгаллаш учун танловда:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ва илмий унвонга эга бўлган шахс;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ёки илмий унвонга эга бўлган шахс;
- илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлмаган(2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга) тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) иштирок этиши мумкин.

Кичик илмий ходим лавозимини эгаллаш учун танловда:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ёки илмий унвонга эга бўлган шахс;
- илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга) тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис);
- илмий даражага ва илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга) тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) иштирок этиши мумкин.

Стажёр тадқиқотчи-тегишли мутахассислик бўйича магистр дипломига эга (битирувчи) бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, чуқур таҳлилий мушоҳада қобилиятига эга бўлиш, давлат тилини мукаммал билиш (рус ёки бошқа тилларни яхши билиш устунлик беради), юклатилган вазифаларни бажара олиши ва ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар ўтказа олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

3. Лавозим вазифалари

Лаборатория мудири

Лавозим вазифалари. Лаборатория йўналиши бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг бажарилишига раҳбарлик қилади ва уларда бевосита иштирок этади. Институтнинг мавзулар режасида лаборатория учун мўлжалланган илмий-тадқиқот ишининг бажарилишини ташкил этади, тегишли илм соҳаси бўйича уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилайди, тадқиқот ва ишланмалар олиб боришнинг усул ва воситаларини, лаборатория олдига қўйилган илмий ва техник вазифаларни ҳал этиш йўлларини танлайди. Лаборатория (бўлим) йўналиши билан боғлиқ йиллик ва истиқболга мўлжалланган лойиҳалар ва тадқиқот режаларини ишлаб чиқади ва институт маъмуриятига тақдим этади.

Илмий ва техник натижалар учун патент олиш, ихтиролар таклифларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашади. Лаборатория фаолияти самарадорлигини ошириш, кадрларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришни таъминлайди, уларнинг ижодий фаоллигини ошириш чора-тадбирларини кўради. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларига риоя қилинишини назорат этади. Лабораторияда олиб борилаётган илмий тадқиқотларни юқори савияда бажариш учун керакли малакадаги кадрларни танлайди ва уларни ишга қабул қилиш учун ўрнатилган тартибда тавсия этади ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, малакасини ошириш бўйича иш олиб боради, лабораториянинг умумий ишига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритади. Лабораторияда илмий тадқиқотлар, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг муҳокамасини ва уларни экспертизадан ўтказишни ташкил этади.

Билиши керак: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг қарорлари, низомлари, институт ва лабораторияга тегишли илм, фан ва техника соҳасининг илмий муаммолари, республика иқтисодиёти тармоқларининг ривожланиш йўналишлари, мазкур масалалар бўйича республика ва хорижий мамлакатларда эришилган натижалар, юқори идораларнинг кўрсатма тусидаги ҳужжатларини; илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш, уларни ташкил этиш, режалаштириш, молиялаштириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг белгиланган тартибларини; бошқа ташкилотлар, идоралар ва корхоналар билан биргаликда иш бажариш учун шартнома тузиш ва уни амалга ошириш тартибларини; лабораторияни тадқиқот олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналар, техника воситалари билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини; ихтиро ва кашфиётлар учун талабнома ёзиш, илмий-техник ҳужжатлар ва асбоб-анжомлар, техника воситалари ва бошқа илмий асбоб-ускуналарни олиш учун талабномаларни расмийлаштиришни; илмий тадқиқотлар ва ишланмалар устидан раҳбарлик

қилиш, илмий ходимлар меҳнатини ташкил этиш, баҳолаш, уларга ҳақ тўлаш тизими ва уларни моддий рағбатлантириш шаклларини; кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга оид амалдаги қонун-қоидаларни; иш юритишни ташкил этиш бўйича кўрсатма тусидаги ҳужжатларни; меҳнат қонунчилиги асосларини; меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларини.

Малакавий талаблар. Олий маълумот, фан доктори ёки номзоди илмий даражаси. Илмий ишлари мавжудлиги.

Бош илмий ходим

Лавозим вазифалари: Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича тадқиқотларга раҳбарлик қилади. Ўзига бириктирилган ходимлар гуруҳини бошқаради ёки илмий-техникавий дастурлари бўйича масъул ижрочиси ҳисобланади.

Энг мураккаб муаммоларнинг илмий-техник ечимлари, тадқиқотлар ва ишланмалар яратиш усулларини ишлаб чиқади, бунинг учун зарур бўлган воситаларни танлайди. Янги тадқиқот ва ишланмалар йўналишлари ва уларни бажариш усулларини асослайди, илмий тадқиқот режаларини шакллантиради, ўз соҳасидаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда илмий тадқиқот олиб бораётган ҳамкорларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Натижаларни умумлаштиради, ниҳоясига етган тадқиқот ва ишланмаларни экспертизадан ўтказади, уларни тажриба синовидан ўтказишга раҳбарлик қилади. Илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг қўлланиш соҳасини белгилайди ва уларни амалиётда татбиқ этишга илмий раҳбарлик қилади. Ўзига тегишли илм соҳаси бўйича илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишида иштирок этади.

Билиши керак: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида”ги Низом, тегишли илм, фан ва техника соҳасининг илмий муаммолари, саноат тармоғининг ривожланиш йўналишлари, республика ва хорижий мамлакатлар фанининг мазкур масалалар бўйича қўлга киритган натижалари, юқори идораларнинг кўрсатма тусидаги ҳужжатларини; илмий тадқиқот ва ишланмалар (баҳолар, патент-ахборот таъминоти, илмий-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш)ни ташкил этиш, олиб бориш, режалаштириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг янги усул, восита ва меъёрларини; ходимларни иқтисодий рағбатлантириш ва моддий жиҳатдан тақдирлаш шаклларини; меҳнатни илмий ташкил этиш асосларини; меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларини.

Малакавий талаблар. Олий маълумот, фан доктори илмий даражаси. Илмий ишлари мавжудлиги.

Етакчи илмий ходим

Лавозим вазифалари: Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ўзига бириктирилган ходимлар гуруҳини бошқаради ёки илмий-техникавий дастурдаги алоҳида топшириқнинг масъул ижрочиси ҳисобланади.

Энг мураккаб муаммоларнинг илмий-техник ечимлари, тадқиқотлар ва ишланмалар яратиш усулларини ишлаб чиқади, бунинг учун зарур бўлган воситаларни танлашга кўмаклашади. Янги тадқиқот ва ишланмалар йўналишлари ва уларни бажариш усулларини асослайди, илмий тадқиқот режаларини шакллантиришда қатнашади, Ўзига топширилган топшириқ бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда илмий тадқиқот олиб бораётган ҳамкорларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади. Натижаларни умумлаштиришда, ниҳоясига етган тадқиқот ва ишланмаларни экспертизадан ўтказишда, уларни тажриба синовидан ўтказишда қатнашади. Илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг қўлланиш соҳасини белгилашда ва уларни амалиётда татбиқ этишда иштирок этади. Ўзига тегишли илм соҳаси бўйича илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишида иштирок этади.

Билиши керак: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисида”ги Низом, тегишли илм, фан ва техника соҳасининг илмий муаммолари, саноат тармоғининг ривожланиш йўналишлари, республика ва хорижий мамлакатлар фанининг мазкур масалалар бўйича қўлга киритган натижалари, юқори идораларнинг кўрсатма тусидаги ҳужжатларини; илмий тадқиқот ва ишланмалар (баҳолар, патент-ахборот таъминоти, илмий-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқиш)ни ташкил этиш, олиб бориш, режалаштириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг янги усул, восита ва меъёрларини; ходимларни иқтисодий рағбатлантириш ва моддий жиҳатдан тақдирлаш шаклларини; меҳнатни илмий ташкил этиш асосларини; меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларини.

Малакавий талаблар. Олий маълумот, фан доктори ёки фан номзоди (илмий унвонга эга) илмий даражаси. Илмий ишлари мавжудлиги.

Катта илмий ходим

Лавозим вазифалари: Лаборатория йўналишининг бир қисми (бўлими, босқичи) бўлган мустақил мавзу устида тадқиқот олиб бораётган, шунингдек, ишланма яратаётган ходимлар гуруҳи устидан раҳбарликни амалга оширади, ижрочи сифатида илмий тадқиқот олиб боради ва ишланмалар яратади. Тадқиқотлар олиб бориш ва ишланмалар яратишнинг режалари ва услубий дастурларини ишлаб чиқади, бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадқиқот олиб борилаётган бўлса, мавзу ижрочиларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Мавзу бўйича илмий-техник ахборотларни йиғиш ва

ўрганишни ташкил этади, илмий маълумотлар, тажриба ва кузатишлар натижаларини назарий жиҳатдан умумлаштиради ва таҳлил қилади. Қўл остида ишлаётган илмий ходимлар томонидан қўлга киритилган натижаларнинг ҳаққонийлигини текширади. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини қўллаш соҳаларини аниқлайди ва уларни амалиётга татбиқ этишни ташкил қилади. Илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишида қатнашади.

Билиши керак: Тадқиқот ва ишланмалар олиб борилаётган мавзу билан боғлиқ илмий муаммолар, фан ва техника ёки саноатнинг ўзига тегишли соҳалари бўйича кўрсатма тусидаги ҳужжатлар, мазкур масалаларга алоқадор Ўзбекистон ва хориждаги ахборотларни; тадқиқот ва ишланмаларни режалаштириш ва ташкил этиш, тажриба ва кузатишлар ўтказишнинг замонавий восита ва усулларини, шунингдек, копьютер тизимидан фойдаланишни; тегишли ишлаб чиқариш соҳасининг иқтисодий асослари, меҳнат ва иш юритишни илмий ташкил этиш бўйича кўрсатма тусидаги ҳужжатларни; меҳнат қонунчилиги асосларини; меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларини.

Малакавий талаблари: Олий маълумот, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражаси, илмий даражаси бўлмаган тақдирда 5 йилдан кам бўлмаган илмий тажрибаси ҳамда илмий мақолалари, ихтиролари, патентлари мавжудлиги.

Кичик илмий ходим

Лавозим вазифалари: Масъул ижрочи раҳбарлиги остида тасдиқланган режага мувофиқ мавзунинг алоҳида бўлими (қисми) бўйича илмий тадқиқот ва ишланмалар олиб боради. Тажрибаларни амалга оширишда қатнашади, кузатиш ва ўлчаш ишларини олиб боради, уларга тавсифнома ёзади ва хулосаларни таърифлаб беради. Тадқиқ этилаётган мавзу билан боғлиқ илмий-техник маълумотлар, мамлакатнинг ўзидаги ва хорижий тажрибаларни ўрганади. Мавзу ёки унинг ўзига тегишли қисми бўйича ҳисобот ёзади. Тадқиқот ва ишланмалар натижаларини амалиётга татбиқ этишда қатнашади.

Билиши керак: Ўтказилаётган тадқиқот ва ишланмаларнинг мақсад ва вазифалари, мазкур тадқиқот билан боғлиқ мамлакатнинг ўзидаги ва чет элдаги маълумотларни; тадқиқот ва ишланмаларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий усул ва воситаларини, тажриба ва кузатишлар ўтказиш, маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлашни; компьютер технологияларидан фойдаланишни; меҳнатни ташкил қилишнинг илмий асосларини; меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоида ва меъёрларини.

Малакавий талаблари: Олий маълумот, тегишли соҳа бўйича 2 йилдан кам бўлмаган илмий фаолиятига эга.

4. Илмий ходимлар фаолиятини ўрганиш бўйича

МЕЗОНЛАР

(Илмий ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга илова)

Т/р	Кўрсаткичлар	Баҳо
1.	**Илмий фаолияти (60 балл)**	
1.1.	Илмий конференциялар ишида иштирок этиш	
1.2.	Илмий нашрларда (шу жумладан хорижий илмий нашрларда) материаллар, монографиялар эълон қилиш	
1.3.	Халқаро, илмий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш	
1.4.	Патентлар ва ихтиролар сони	
1.5.	Таянч докторантлар ва докторантларнинг диссертация тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилиш	
1.6.	Докторлик диссертациялари доирасида илмий тадқиқот олиб бориш	
2. Институтни ривожлантиришга қўшган улуши (20 балл)		
2.1.	Бошқа илмий муассасалар, таълим муассасалари: олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этиш (илмий фаолияти ва улар учун билимлар даражасини ошириш тренингларини ташкил этиш)	
2.2.	Хорижий илмий муассасалари билан айирбошлаш дастурларида иштирок этиш ва уларни ташкил этиш	
3. Шахсий фазилатлари (20 балл)		
3.1.	Илмий даража ва илмий унвон	
3.2.	Хорижий тилларни эгаллаганлик, материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишда улардан амалда фойдаланиш	
3.3.	Хорижий таълим ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиш	
	ЖАМИ (энг кўп балл — 100)	

Изоҳ: тегишли мезонлар бўйича балларни тақсимлаш комиссия томонидан белгиланади.